



YOSHLAR ISHLARI
AGENTLIGI



O'ZBEKISTON
YOSHLAR
ITTIFOQI



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ХУЗУРИДАГИ МИЛЛАТЛАРАРО
МУНОСАБАТЛАР ВА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР БИЛАН ДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРИ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИ МАРКАЗИ
“ЎЗБЕКИСТОН-ФРАНЦИЯ” ДЎСТЛИК ЖАМИАТИ

МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

“ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАРДА: ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ
ИСЛОҲОТЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ, МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР”

мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференциясида фаол иштирок этганлиги учун

ШОКИРОВ МУБИН РУСТАМОВИЧ

СЕРТИФИКАТ

билан тақдирланади

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар маҳкамаси
хузуридаги Миллатлараро
муносабатлар ва хорижий
мамлакатлар билан дўстлик
алоқалари қўмитаси раиси

Р.Ж. Курбатов

Ёшлар ишлари
агентлиги
директори

А. Сатдуллаев

Ўзбекистондаги Шанхай
Ҳамкорлик ташкилотининг
“Халқ дипломатияси” маркази
директори

К. Софиров

Ўзбекистон
Ёшлар иттифоқи
Марказий Кенгаши
раиси в.б.

Ш. Зайниддинов

Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий
университети ректори

И. Маджидов

“Ўзбекистон-Франция”
Дўстлик жамияти
ижрочи директори

Р. Ширинова

№ **036**

17.06.2021





**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ХОРИЖИЙ
МАМЛАКАТЛАР БИЛАН ДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРИ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК
ТАШКИЛОТИНИНГ ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИТ МАРКАЗИ
“ЎЗБЕКИСТОН-ФРАНЦИЯ” ДЎСТЛИК ЖАМИЯТИ**

**“ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАРДА:
ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ
ИСЛОҲОТЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ,
МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР”**

**мавзусидаги Халқаро илмий-амалий
анжуман тўплами**

2021 йил 17 июнь

“Ўзбекистон халқаро рейтингларда: ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг самарадорлиги, муаммолар ва ечимлар” мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференция материаллари // Тошкент, 2021 йил 17 июнь. – 441 б.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўлаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-6155 Фармони, 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358 сон Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 мартдаги 78-Ф-сон Фармойишида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси, Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Ўзбекистондаги Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг халқ дипломатияси маркази, “Ўзбекистон-Франция” дўстлик жамияти ҳамкорлигида **“Ўзбекистон халқаро рейтингларда: ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги, муаммолар ва ечимлар”** мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжумани ўтказилди.

Мазкур анжуман тўпламида юзга яқин мақолалар жамланган.

Масъул муҳаррир – Р.Х.Ширинова – фил.ф.д., профессор (ЎзМУ)
Н.А.Шермухамедова - ф.ф.д., профессор (ЎзМУ)

Таҳрир хайъати – А.Утамуратов – ф.ф.н., профессор (ЎзМУ)
Н.Б.Абдуллаева ф.ф.д., профессор (ЎзМУ);
О.Дж.Нишоновна ф.ф.д., профессор (ЎзМУ);
Б.Х.Жалилов – ф.ф.н., доцент (ЎзМУ)
Қ.А.Абдурахимов - фалсафа доктори (PhD), доцент (ЎзМУ)
У.А.Маҳкамов – фалсафа доктори (PhD), доцент (ЎзМУ)
Ф.Ф.Бозарова - фалсафа доктори (PhD), доцент (ЎзМУ)
Ж.К.Юсубов - фалсафа доктори (PhD), доцент (ЎзМУ)
А.Х.Холмахматов - фалсафа доктори (PhD), доцент (ЎзМУ)
Ю.М.Намозова – фалсафа доктори (PhD) (ЎзМУ)
Ж.К.Юсубов - фалсафа доктори (PhD), доцент (ЎзМУ)
А.С.Туракулова – ўқитувчи (ЎзМУ)
У.М.Менгликулов – ўқитувчи (ЎзМУ)
М.Т.Хидиров – ўқитувчи (ЎзМУ)
Б.М.Ялгашев – таянч докторант (ЎзМУ)

Мақолаларнинг тўғри ва аниқлигига муаллифлар масъулдир.

© Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент

Шокиров Мубин

Бухоро Давдат университети ўқитувчиси

ИЖТИМОЙ БИЛИШ МЕТОДЛАРИДА ТАРИХИЙ ТАФАККУР ТАҲЛИЛИ

Жамият ҳаётини билиш ҳар томонлама ёндошишни ва мулоҳазакорликни талаб қилади. Биринчидан ҳар қандай билиш жамиятда пайдо бўлганлиги учун ижтимоийдир. Иккинчидан ижтимоий билиш инсон фаолияти шаклларида, яъни жамиятни, ижтимоий жараён ва ҳодисаларни билишдир. У билишнинг бошқа шакллари – табиатни билиш, тафаккурни билишдан фарқ қилади. Бу ўринда биз билишнинг айнан шу жиҳатини кенгроқ ёритишга ҳаракат қиламиз. Ижтимоий ва табиий билиш шакллари ўзаро боғлиқ. Аслида улар инсониятга хос бўлган умумий билишнинг ўзаро боғлиқ бўлган икки томонидир. Билишнинг бу шакллари орасида чегара йўқ.

Ижтимоий билиш соҳаси билан боғлиқ бўлган гуманитар дунёқараш эгаларининг онги, фикри, фаолиятида ўзига хослик бор. Худди шундай технократик онгга эга бўлган кишиларда ҳам шу тарздаги ўзига хослик назарга ташланади. Баъзан онгида технократик фикрлаш устувор бўлган одамлар эришилаётган ютуқ инсон учун, унинг камолоти учун эканлигини унутиб қўядилар. Иккинчи томони эса кўпчилик гуманитар соҳа вакиллари учун техник ва табиий йўналишдаги қонун қоидаларининг мазмуни тушунарсиз, уларнинг моҳияти қоронғилигича қолаверади. Биринчи йўналиш тарафдорлари табиий илмий ва ижтимоий билиш ўртасида, унинг шакли ва методлари ўртасида фарқ йўқ деб ҳисоблайдилар. Масалан шу йўналиш тарафдори поляк олими Е.Топольский¹⁵⁵ ижтимоий билиш шакли тарихий билишни инкор қилади. У тарихий билишга хос муаммолар бир вақтнинг ўзида билишнинг бошқа шаклларида ҳам мавжуд деб ҳисоблайди, натижада ижтимоий ва табиий илмий билиш ягона бир тизим сифатида бирлаштирилади. Бу табиий фанлар аҳамиятини мутлақлаштиришга олиб келади. Бунда фақат табиий фан соҳасига тегишли билимлар илмий бўлиши мумкин, фалсафа, социология, политология, маданиятшунослик ва бошқалар илмий билим бўла олмайди деган хулоса келиб чиқади.

Масалани шу жиҳатини таҳлил қилар эканмиз, бу борада, Шарқ, айниқса, Марказий Осиё илмий дунёқараш тарақққиётида гуманитар ёки табиий-техник хусусият устуворлик қилган дунёқараш соҳибларининг бир-бирларига қарама-қарши турганининг гувоҳи бўламиз. Маънавийлик ва маърифатпарварликка асосланган, гуманизм устувор бўлган Марказий Осиё

¹⁵⁵ Аликулов Ҳ. Гуманистик мерос ва шахс маънавий камолоти. Т., Фалсафа ва ҳуқуқ, 2006. 134-бет

цивилизациясида бу икки томон уйғунлашган ҳолда диалектик яхлитликда намоён бўлади. Айнан шу жиҳат бир томондан Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Накшбанд, Бурхониддин Марғилоний каби илоҳиёт алломаларининг, иккинчи томондан эса Хоразмий, Фаробий, Беруний Ибн Сино, Улуғбек кабиларнинг ижод қилишлари учун имкон яратган. Ҳам диний, ҳам дунёвий, ҳам ижтимоий - гуманитар ва табиий-илмий билимлардан бохабар бўлган Қозизода Румий ва Алишер Навоий, Али Қушчи ва Бобурлар фаолияти бунга ёрқин мисол бўла олади.¹⁵⁶

Табиий фанлар ва жамиятшуносликнинг, гуманитар дунёқараш ва табиий-техник қарашларнинг мутаносиблиги муаммоси ҳозирги кунда ҳам муҳокама қилинмоқда. Аслида фан инсониятга хос бўлган умумий тизим, ягона асосга эга. Аммо бу масалага оид айрим хато фикрлар ҳам йўқ эмас.

Натурализм – табиий фанлар ва табиий техник билимларнинг аҳамиятини бўрттириш асосидаги дунёқарашга таянадиган йўналиш. Бундай қарашга асосланган кишилар гуманитар соҳани кераксиз фойдаси йўқ деб ҳисоблайдилар.

Гуманитаризм – гуманитар онг ва ижтимоий билимларни мурлақлаштириш ғоясига асосланган қарашларга таянадиган йўналишдир. Улар табиий-техник фан ва соҳаларни фойда билан бирга кўпроқ зиён олиб келади деб ҳисоблашга асосланган ғоялар тизимидир.

Аслида табиий – техник ва ижтимоий фанлар ягона фаннинг икки узвий соҳаси бўлиб, улар бир бирини тўлдиради ва яхлит тизимни ҳосил қилади. Бироқ бу ижтимоий ва табиий фанлар орасида фарқ бор дегани эмас. Бу масалага аниқлик киритиш учун билиш тарихига, тўғрироғи, тарихий билиш, тарих фалсафасига мурожаат қилиш зарур.

Гуманитар билим соҳасидаги методологиянинг шаклланиши икки асосий йўналишга эга: тарих фалсафаси соҳасидаги билимлар доирасида; ижтимоий гуманитар фанлари доирасида. Бу икки йўналишнинг ривожланиши XVII асрга, яъни фалсафа ва табиий фанларнинг ажралиш даврига тўғри келади. Учинчиси: мазкур йўналишларнинг мазмуни, характери ва муаммолари тарихий тараққиёт жараёнида ўзгариб боради.

XVII асрда механика тўлиқ шакланган бўлиб унинг асосида табиий фанлар жадал ривожланган эди. Ижтимоий билим соҳаси ва фалсафанинг махсус бўлими ҳисобланмиш тараққиёт жараёни ва тарихий воқеаларни илмий билишни акс эттирувчи тарих фалсафаси ҳам шу даврга келиб юқори босқичга кўтарилди. Ҳозирги кунга “Тарих фалсафаси” атамаси қуйидаги мазмунларга эга. Биринчи - тарихий воқелик, унинг бир бутунлиги ва тараққиёти ҳақидаги таълимот; Иккинчи – ўтмиш, ҳозирги замон ва келажакнинг узвий бирлигини умумий тарихий жараён сифатида қарайдиган назария; Учинчи-тарихий жараёнларнинг

¹⁵⁶ Каримов Иброҳим, Маънавият, фалсафа ва ҳаёт, Т., "Фан", 2001. 37-бет

рационал ва методлар билан тадқиқ қилувчи фан фалсафасининг таркибий қисми, яъни, тарихий эпистемология; Тўртинчи-тарихий воқеаларнинг билиш ҳақидаги фалсафий концепциялар мажмуи.

Ушбу фан давр, тарихий босқич, тараққиёт, ижтимоий фаолият, қадрият, инсон ва шу каби бошқа категориялари билан тарихни фалсафий талқин қилади. Энг умумий тарихни бир бутун ҳолда тасаввур қилиш бу соҳадаги тарихий билимни мақсади бўлиб ҳособланади. Шунинг учун ҳам фалсафий жиҳатдан ўрганишда унинг яхлитлиги масаласи энг асосий муаммо сифатида қаралади.

Тарих фалсафасининг илдизларини “Авесто”да, “Таврот” да “Веда” ва “Упанишада”ларда, Геродот ва Плутарх асарларида учратиш мумкин. Беруний ва Ибн Халдун, Хондамир ва Мирхонлар меросида ҳам тарихга фалсафий ёндошиш тамойиллари бор. Кейинроқ тарих фалсафаси билимнинг бир бутун тизими сифатида XVIII асрда Вико, Гердер, Сен Симон ва бошқа мутафаккирлар асарларида ўрганилган. Француз файласуфи Сен Симон (1760-1825) жамиятга механистик, аммо қонуний ривожланувчи бир бутун организм сифатида қараган ва ҳар қандай ижтимоий ҳолатни умумий тарихий жараёнда ўз ўрнига эга бўлган тарихий ўзгарувчан ҳодиса сифатида ўрганишга ҳаракат қилган. У яратган инсон ҳақидаги фан (ижтимоий физиология) тарих фалсафасида асосланган бўлиб, Сен Симон уни ҳам назарий ҳам амалий фаолият тамойили сифатида таҳлил қилган. У жамият тарихини чуқурроқ ўрганиш инсониятни цивилизацияли тараққиётда асрлар давомида рўй берган турли сиёсий сароблардан асрайди деб такидлайди. У тарихийлик тамойилини амалда қўллар экан, жамиятнинг асосий жиҳатларини кишиларнинг реал фаолияти сифатида тадқиқ қилган, инсониятнинг оддийдан мураккабга, қуйидан юқорига қараб аста секинлик билан тараққий қилишини эътироф қилган. Айти пайтда Сен Симоннинг ижтимоий концепцияси ўз даврида табиатшунослик ва фалсафада ҳукмрон методологик докторина бўлган механицизмдан холи бўла олмади. Унинг фикрича Ньютон кашф этган дунёнинг ўзаро тортишиш қонуни янги фалсафанинг асоси, ўз навбатида сиёсий фанларнинг пойдевори бўлиши мумкин. Сен Симонда утопик ғоялар ҳам кўп эди. Ушбу сароб асосида у механистик шакллантирган ташкилотлар, яъни коммуналар фаолияти самарасиз бўлиб чиқди. Оқибатда уларга сарфланган куч ва маблағлар бекор кетган. Машҳур файласуф хонавайрон бўлган эди.

Мумтоз фалсафанинг яқуни Гегелнинг ижтимоий тарихий концепцияси бўлиб у диалектик методга асосланган.¹⁵⁷ Гегел табиий, тарихий ва маънавий дунёни ягона жараён сифатида тасаввур қилади. Уларнинг доимо ўзгаришдалигини таъкидлаб, табиий тарихий ва ижтимоий тараққиётни ички алоқадорликка эга эканлигини исботлашга ҳаракат қилган. Гегел инсон фаолиятини асосини иқтисодий фаолият ташкил қилади, яъни табиатни меҳнат

¹⁵⁷ Назаров Қ. Ғарб фалсафаси. Т., Шарк, 2004. 56-бет

куроллари билан ўзгартириш деб ҳисоблайди. Шунга кўра у “инсон ўз меҳнат куроллари билан табиат устидан ҳукмронлик қилади ва айни пайтда ўз мақсадига кўра барибир табиатга буйсунади”- дея уқтиради¹⁵⁸.

Гегел фикрича, жаҳон тарихи ягона объектив қонуниятли жараён бўлиб, унда ҳар бир давр бетакрор хусиятга эга, бу даврлар инсониятнинг умумий тараққиётида қонуний босқич ҳисобланади. Шу билан бирга Гегелнинг тарихий концепцияси муайян даражада чекланган эди. Бу чекланганлик унинг тарихий жараён фақат руҳ иродасидан иборат, тараққиёт Прусс монархияси тимсолида ўз ниҳоясига етди. Жаҳон маданий тараққиётига яккаю ягона марказдир, деган ғояларида яққол кўринади.

Мумтоз тарих фалсафаси тараққиёт ғояси ва назарияси, тарихий жараённинг яхлитлиги муаммоси, тарихий қонуният ва сабабият, эркинлик ва зарурият каби муҳим ғояларни илгани сурди.

XIX аср охири XX аср бошларида тарих фалсафасига қизиқиш кучайиб икки асосий йўналишда намоён бўлди. Биринчи йўналиш ижтимоий ҳаётни ташкил қилувчи маданий тарихий соҳаларни рационал тафаккур нуқтаи назаридан тушуниш билан боғлиқ. Бунда аниқ метод ва воситалар ёрдамида тарихий реалликни англаш мақсади ётади. Иккинчи йўналишнинг бош вазифаси эса тарихий воқеликни ўрганиш асосидаги билимларнинг фалсафий методологик асосларини табиий илмий билимлар билан қиёслаш орқали аниқлашдан иборат. Биринчи йўналиш тарафдорлари тарихий жараённинг биологик моделидан келиб чиқадилар. Уларнинг фикрича инсониятнинг бирлиги ёлғондир, амалда эса биз органик дунё бирлигини, маданиятнинг турли аниқ тарихий шалқларини англаймиз холос. Иккинчидан, тарих эркинликка аста секинлик билан ўтиш эмас, балки тарихий тараққиётнинг плюралистик модели орқали амалга ошади. Хуллас, жаҳон тарихида ҳеч қандай бирлик йўқ, балки турли маданий – тарихий моделлар бор холос.

Ҳар қандай ижтимоий организмлар ҳаётининг чекланганлиги, улар туғилиш камол топиш кексайиш ва ўлиш каби биологик заруриятга буйсунувчи табиий жараён эканлиги ғоясини О.Шпенглер ҳимоя қилган. Унинг назарияси Н.Я. Данилевскийнинг назарий тарихий типлар концепциясидан фарқ қилади. Немис тарихчиси ва файласуфи Освальд Шпенглер (1880-1936) 1922 йилда “Европанинг сўниши” асари билан машҳур бўлди. Бу асарда у ўзига хос маданий тарихий концепциясини баён этган. Унинг фикрича, инсоният ҳаёти - маданиятнинг чексиз туғилиш ва табиий ўлими жараёнидир. У маданиятни организм сифатида ифодалаб биринчидан, структура жиҳатидан жиддий ички бирликка эга. Иккинчидан, ўзига ўхшаш организмлардан фарқ қилади яъни ниҳоятда уникалдир деб ҳисоблайди. Шпенглернинг методологик ғояси тарихий

¹⁵⁸ Гегел Г.В Соч. В 14 том. М.1956 Т.8 с. 205.

тараққиётнинг доимий айланишига асосланади, Методологик жиҳатидан қиёслаш аналогия, тарихий ёндашиш каби усулларга таянади. Шпенглер морфологик ва эволюцион тарихийликни ажратиб кўрсатади. Морфологик тарихийлик “маданий организмлар”¹⁵⁹ тузилишини ўрганиш билан шуғулланиб, бевосита интуиция, аналогия ва бадиий тасвирга таянади. Эволюцион тарихийлик эса тараққиёт босқичлари ва генезисини ўрганади.

Янги тарих фалсафасининг биринчи йўналиши бриталиялик тарихчи ва файласуф Арнольд Тойнби (1899-1975) ижодида ҳам намоён бўлган. У “Тарихни идрок қилиш” асарида умуммиллий ва тарихий-маданий тамойиллар ёрдамида тарихий жараён моҳиятини англашга ҳаракат қилган. Тойнбининг асосий методологик йўналиши маданий плюрализм, инсоният цивилизасияси турли шаклларга эга бўлиб, улардан ҳар бири кундалик турмушда шаклландиган кадриятлар тизмига эгаллигини исботлашдир. У ижтимоий тараққиёт эркинлик ва зарурат орқали амалга ошадиган табиий тарихий характерга эга эканлигини эътироф қилади. Унингча цивилизация ижтимоий субъект ва объектлар алоҳида томонларининг йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Тойнби уларни ўзига хос муҳитга эга бўлган биологик турларга ўхшатади. Шпенглер таъсири остида бўлган Тойнби инсоният тараққиётини локал цивилизациялар тараққиёти назарияси руҳида англашга ҳаракат қилди. Бундаги энг муҳм методологик вазифа ҳар бир цивилизациянинг моҳияти, ижтимоий кадриятлар тизими, фалсафий ғоялари ва бошқа ўзига хосликларни аниқлашдан иборат. Тойнби фикрича, биринчидан маданий ўсиш барча халқларга тегишли бўлсада, аниқ вазиятда ўзига хос шаклда намоён бўлади, иккинчидан, мананиятнинг тарихий тараққиёти ўзгармас схема асосида бўлмайди, балки бунда ҳар қандай вазият, турли хил ҳолатлар юз беришини назардан четда қолдирмаслик лозим.

Маълумки барча фанлар, кашфиётлар, амалий ютуқлар тарихий тажриба маҳсулидир. Тажриба эса тарих давомида, амалиёт жараёнида ҳосил қилинади. Самарали тажрибалар ҳар қандай соҳада эришиладиган мувоффақиятлар гарови бўлади. Шу боисдан ҳам тарихий тафаккур соҳасида ютуқларга эришиш учун уни ташкил этишнинг фалсафий-илмий методларини ўрганиш асосида маълум хулосалар кундалик ҳаётимизда, илмий фаолиятимизда, таълим ва тарбия ишимизда қўлланилади ва ўзининг ижобий натижасини беради. Бир сўз билан айтганда инсон борки у албатта тўғри тафаккур юритиш билангина ютуқларни қўлга киритади.

¹⁵⁹ Қ.Назаров Ғарб фалсафаси. Т.,2004. 276-бет

Адабиётлар:

1. Аликулов Ҳ. Гуманистик мерос ва шахс маънавий камолоти. - Т., Фалсафа ва ҳуқуқ, 2006.
2. Каримов Иброҳим, Маънавият, фалсафа ва ҳаёт, Т., "Фан", 2001.
3. Назаров Қ. Ғарб фалсафаси. Т., Шарқ, 2004.
4. Назаров Қ. Ғарб фалсафаси. Т., 2004.
5. Гегел Г.В Соч. В 14 том. М.1956.

Ergasheva Mahbuba

Samarqand davlat universiteti dotsenti, falsafa doktori (PhD)

TA'LIM JARAYONIDA XORIJIY TAJRIBALARNI QO'LLASHDA TIZIMLI YONDASHUV

Jamiyat taraqqiyoti har bir soha taraqqiyoti bilan belgilanadi. Shu jumladan tahlil ob'ektlarining kundan–kunga kengayib, murakkablashib borayotganligi, tahlil va tadqiq etish usullarini ham tobora yangilanib, o'zgarib borayotganligi bilan izohlanadi. Tizimli yondashuv ham bugungi kunda tahlil metodologiyasi sifatida dunyoda tan olingan usullar yig'indisidir.

Ta'lim va tarbiya jarayoni har bir davrda, har qanday jamiyat taraqqiyotining muhim omili bo'lib kelgan. Insoniyat tarixiy taraqqiyot bosqichlariga e'tibor qaratadigan bo'lsak, qayerdagi fan va ta'limda islohotlar to'g'ri yo'lga qo'yilgan bo'lsa, qayerdagi ta'lim jarayoniga davlat siyosati darajasida e'tibor qaratilgan bo'lsa o'sha yerda rivojlanish, o'zgarish, yuksalishni ko'rish mumkin. Bunga bugun dunyo hamjamiyatida qisqa davrlar mobaynida barcha sohalarida yuksak cho'qqilarni zabt etgan Yaponiya, Xitoy, Janubiy Koriya, Kanada, Singapur kabi ta'lim islohotlarini oqilona olib borgan bir qancha rivojlangan mamlakatlarni misol qilib keltirish mumkin. E'tiborli tomoni shundaki, mazkur mamlakatlar ham ta'lim islohotlarini olib borganligiga juda ko'p muddat bo'lgani yo'q, balki mamlakatimizdagi ta'lim islohotlari bilan bir davrlarda, yoki ozgina oldinroq, ya'ni 1980-1988, 1990-1995 yillarga to'g'ri keladi. Ko'plab manbalarda keltirilganidek 1978-yillarda butun Xitoy aholisining 23,5 foizi savodsiz bo'lgan va 1981-yillardagi ta'lim islohotlarining to'g'ri tashkil etilganligi natijasini bugun butun dunyo mo'jiza sifatida qabul qilayotganligining guvohi bo'lib turibmiz. Yoki, Janubiy Koreyadagi ta'lim islohotlari, asosan, 1980-1988, 1990-2000 yillarda amalga oshirilishiga qaramasdan, qisqa fursatlarda mazkur mamlakat ta'lim sifati bo'yicha dunyo reytingida yuqori ko'rsatkichlarga erisha oldi.

E'tibor qaratadigan bo'lsak, O'zbekistonda ham ta'lim islohotlari ushbu mamlakatlarga nisbatan ozgina keyinroq, 1991-yillardan boshlandi, ammo natija ozgina emas, balki, juda katta farq bilan ortda qolayongani bugun barchamizni o'ylantirib qo'ygan masalalardan biridir. Aslida “bu o'tish davridagi tabiiy hol” deya o'zimiz-o'zimizga ko'p yillardan buyon tasalli berib kelayotganimiz sir emas. 30 yil oz fursat ham emas. Rivojlangan xorijiy mamlakatlarda amalga oshirilgan ta'lim islohotlarini tizimli tahlil etganimizda ko'pchiligini 30, 40, 50 yil ichida dunyo reytingida yuqori o'rinlarga chiqib olganligini ko'rishimiz mumkin. Bu nimadan dalolat? Bunday qisqa davrlar mobaynida yuksak darajalarni egallash uchun qanday islohotlar amalga oshirilgan? Albatta, bu ta'lim jarayonida islohotlarni, modernizatsiyalashtirishni to'g'ri tashkil etilganligidan dalolatdir. Shuningdek,

Шаробутдинова Гулчеҳра. Ҳуқуқ фанини ўқитишда график органайзерлардан фойдаланиш технологияси.....	376
Шарофиддинов Ривожиддин. Жадид маърифатпарварларининг тарбия ҳақидаги қарашларининг бугунги кундаги аҳамияти.....	379
Sheraliyeva Zilola. Intellektual taraqqiyotni jadallashtirish, raqobatbardosh kadrlar tayyorlash, ilmiy va innovatsion faoliyatni samarali tashkil etish muammolari.....	383
Шермухамедова Нигина. Ўзбекистон тараққиёти ва ижтимоий ҳаёт динамикаси.....	387
Шокиров Мубин. Ижтимоий билиш методларида тарихий тафаккур таҳлили.....	402
Ergasheva Mahbuba. Та'лим jarayonida xorijiy tajribalarni qo'llashda tizimli yondashuv.....	408
Юлдашев Серобжон. Жамиятни илмий бошқаришда инновацион ёндашувлар.....	415
Юнусова Н.Ш., Абдукаримова Г.Б. Маънавий маданият тушунчасининг назарий асослари.....	419
Юнусова Н.Ш., Яхьяева М.Т., Яхьяева Ш.Т. Таълим тизимида модулли технология тизими.....	425
Yusubov Jamshid, Murodov Akmal. Ма'naviy yuksalishga erishish – bugungi kunning muhim vazifasi.....	430
Yusupov Rasuljon, Qahhorova Surayyoxon. Ма'naviy va ma'rifiy tarbiya uygunligi taraqqiyot mezonidir.....	433